

Спорт янгиликлари

ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚҚАН МАСКАН

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда спортга, хусусан, болалар спортга бўлган эътибор кучайтирилди. Юртимизнинг барча ҳудудларида спорт иншоотлари барпо этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Турли мусобақалар уюштирилиб, ёш спортчилар рағбатлантирила бошланди.



Бунинг натижаси ўлароқ спортчиларимиз халқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларни қайд этиб, юртимиз номини дунёга танитмоқдалар. Бундай муваффақиятларга эришишда ҳудудларда ташкил этилган болалар спорт мактабларининг ўрни катта. Ана шундай спорт масканларидан бири Олмасор туманидаги 39-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидир.

Кўплаб чемпионлар етишиб чиққан ушбу спорт масканининг майдони 2 гектарни ташкил этади. Мактабда ўқув-машгулотларни олиб бориш учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. Футбол, волейбол, баскетбол, мини-футбол майдонлари, спорт зали, бокс зали мавжуд бўлиб, улар бўлажак чемпионларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Ушбу спорт мажмуасида спортнинг гимнастика, футбол, акробатика, гандбол, Турон кураши, байдарка ва эшак эшиш каби ол-

тита тури бўйича жами 32 та гуруҳда 548 нафар ёшлар мунтазам қатнашиб келадилар. Уларга 12 нафар малакали мураббий спортнинг сир-синоатларини ўргатмоқда.

— Юртимизда спортга бўлган эътибор йилдан йилга ортиб бораётир, — дейди 39-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг раҳбари Жаҳонгир Ғиёсов. — Бунинг натижасида спортчиларимиз жаҳон майдонларида мамлакатимиз байроғини баланд кўтармоқдалар. Жумладан, бизнинг мактабимизда тарбияланаётган ёшлар ҳам мамлакатимиздаги ва халқаро мусобақаларда яхши натижаларни қайд этишмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу мактабдан шу пайтгача кўплаб чемпиони ва таниқли спортчилар етишиб чиққан. Кикбоксинг бўйича 11 та жаҳон чемпиони, бокс бўйича иккита шаҳар чемпиони тайёрланган, «Пахтакор-79» хотирасига ба-

ғишланган турнир ва бошқа бир қатор мусобақалар ғолиби бўлишган. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг етакчи футболчиларидан бири Санжар Турсунов ҳам футболнинг илк сабоқларини мана шу мактабда ўрганган. Бундай спортчилар бу ерда талайгина топилади. Улардан бири кикбоксинг бўйича 8 карра Ўзбекистон чемпиони, жаҳон Кубоги соҳиби, жаҳон чемпиони Нуриддин Нуриддиновдир.

— Болалигимдан спортнинг кикбоксинг тури билан мунтазам шугуллан-

ниб келаман, — дейди Нуриддин. — Устозларимнинг яхши сабоқ бериши натижасида жаҳон чемпиони бўлдим. Бундан кейин ҳам мусобақаларда ғолиб бўлишга интиламан. Мен доим халқаро спорт мусобақаларида Ватанимиз байроғини энг юқорида туришини истайман.

Мактабнинг бугунги ёш спортчилари ҳам акалари ва опаларига ўхшаб чемпион бўлишни дилларига тугиб шугулланишмоқда. Уларнинг келажақдаги фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислол Исмоилов олган сурат

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари спорт коллежида энгил атлетика бўйича Ўзбекистон кубоги очик турнири ҳамда 1996-97 йилларда туғилган ёшлар ўртасида мамлакат чемпионати беллашувларига старт берилди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР БАҲС ЮРИТМОҚДА

Беллашувларда вилоятлик энгил атлетика усталари ҳам пойтахтлик спортчилар сингари муносиб иштирок этишди. Мусобақада 60 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳслари бўйича Артём Уделов ҳам катталар, ҳам ёшлар ўртасида ғолибликни қўлга киритди. Спортчининг қайд этган натижаси — 8,32 сонияни ташкил этди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда 9,63 сония натижани қайд этган Елизавета Шусь ҳар икки йўналишда ҳам биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, узунликка сакраш секториде эркаклар ўртасида Никита Логинова тенг келадиган рақиблар топилмади. 7,47 метрга сакраган спортчи шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди. Ёшлар ўртасида Дмитрий Сорокин қайд этган 6,96 метрлик натижани ҳеч ким қайтара олмади.

Яна бир қизиқарли беллашув 400 метрга югуриш йўналишида ўтказилиб, унда Сурхондарё вилояти вакили Фахриддин Ҳамроев 51,77 сония натижа билан ғолиб бўлди. Ёшлар ўртасида Рустам Иномов ғалаба қозонди.

Абдулазиз МУСАЕВ

ЁШ ПОЛВОНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Пойтахтимизда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Комил Фаткуллин соврини учун ўтказилган халқаро турнирда Қозоғистон ва Тожикистон терма жамоалари ҳамда юртимизнинг ёш полвонлари ғолиблик учун беллашдилар.

Икки кун давом этган мазкур мусобақада барча вазн тоифасида олтин медалларни Ўзбекистон спортчилари қўлга киритдилар.

— Мусобақани ташкил қилишда ўз ёрдмларини аямаган барча инсонларга ўз миннатдорлигини изҳор қиламан, — дейди

К.Фаткуллин. — Умид қиламанки, бугун илк бор мутахассислар назарига тушган иқтидорли ўғлонларимиз яқин келажақда юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарари.

Фанишер ТОҲИРОВ,
«Туркистон-пресс»

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган аънавий халқаро турнирда ёш спортчиларимиз иккита олтин ва битта бронза медални қўлга киритди.

АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясидан маълум қилишларича, мусобақанинг эркин кураш бўйича вазни 46 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида ҳамюртимиз

Вазни 100 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида қатнашган яна бир спортчимиз Ҳасан Раҳимов финалда эронлик Амир Ризо Фаттоҳийни энгил, олтин медални қўлга киритган бўлса, 85 килограмм оғирликдаги спортчилар баҳсида Ҳусан Раҳимов учинчи ўринни эгаллади.

БАЙМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
	Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳқўчаси, 26-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажы 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажы талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажы талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза.

2. Сўровнома (справка-объективка).
3. Таржимаи ҳол.
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси.

5. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
6. Паспорт (нусхаси).
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.



«Қибрай» клиник санаторийси юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар. Фин, турк, япон сауналари, бассейн, жакузи ванналари, фитобочка, инфракүзил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди. Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган. Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.



Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатига бориш мумкин. Тел: (8-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

Хизматлар лицензияланган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрнинг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ



Буюртма Г- 155

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.20